



NATIJAGA YO'NALTIRILGAN BYUDJETLASHTIRISHDA TIBBIY SUG'URTANING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

ISHMANOVA DIANA NURMAMADOVNA

TDIU mustaqil tadqiqotchisi

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-5-pp119-123>

Annotatsiya: Mazkur maqoladada natijaga yo'naltirilgan byudjetlashtirishning nazariy asoslari va sog'liqni saqlash sohasi xarajatlarining mohiyati va uning davlat byudjetida tutgan o'rni hamda hozirgi holati tahlili tadqiq etilgan. Maqolada NYBning iqtisodiy mohiyati va uning davlat byudjetini boshqarishdagi o'rni, Davlat byudjeti xarajatlarini rejalashtirishning amaldagi holati, sog'liqni saqlash muassasalarida tibbiy sug'urtaning o'rni va mohiyati tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: O'zbekiston Respublikasi davlat byudjeti, byudjetlashtirish, byudjet xarajatlari, natijaga yo'naltirilgan byudjetlashtirish, sog'liqni saqlash muassasalarini moliyalashtirishda tibbiy sug'urta.

Ўрта муддатли бюджетни режалаштириш доимий такомиллаштириб борилиши натижасида ўрта муддатда мавжуд бўлган бўш молиявий ресурсларни аниқлаш имкониятлари кенгайиб боради. Бюджетдан маблағ олувчилар кесимида бюджетни тақсимлаш ва уларнинг бюджет ваколатларини кенгайтириш механизмининг жорий этилиши билан бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўз мақсадларини белгилаш ва мувофиқ равишда аниқ тадбирларини режалаштириш имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Асосий эътибор бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини кенгайтириш бўйича тегишли чоралар кўриш зарур. Айни пайтда “Дастурий бюджетлаштириш”ни жорий этиш учун зарур бўлган механизмлар аниқлаштирилади, мазкур тизимнинг афзаллик ва камчиликлари ўрганилиб, жорий ва янги тадбирларни молиялаштириш харажатларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилади. Жумладан, амалдаги бюджет таснифига ўзгартириш киритилиб, давлат харажатларини дастурлар бўйича таснифлаб жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори қабул қилиниши билан мамлакатимизда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётига

ўтиш назарда тутилди.¹

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, шу каби методлардан фойдаланишда, бюджет маблағларини олишни натижа мезонларини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришда қуйидаги мураккабликларнинг мавжудлиги билан масаланинг долзарблиги ўз ифодасини топади.²

Бугунги кунда ижтимоий соҳа тараққиёти дунё мамлакатлари барқарорлигининг муҳим бўғинига айланиб улгурди. Хусусан, кўплаб давлатларда ижтимоий соҳа харажатлари бюджет харажатларининг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.³

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) ишлаб чиқилди;

кафолатланган пакет бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шифохоналарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади. Бунда оилавий шифокор ҳар бир муассаса тури бўйича тиббий хизматлар ҳажми ва клиник протоколларга мувофиқ тор соҳа шифокорларига ва зарур ҳолларда туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар беради. Республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, шунингдек, кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда кўрсатилади;

аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларини мониторинг қилиш, уларни тиббиёт муассасасига бириктириш, касаллик тарихини юритиш, дори

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 24.08.2020 йилдаги 506-сон қарори

² Н.Жумаев, Д.Рахмонов Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2019 yil 3/2019 (№ 00041) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 7 февраль 2017 й. № ПФ-4947

воситалари учун рецепт ёзиш ва кафолатланган пакетга мувофиқ тиббиёт муассасаларига йўналтириш ягона электрон платформа орқали амалга оширилмоқда;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилиб, унга эришилганлиги мониторинг қилиниб ҳамда натижаларига қараб қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланади;

кафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади¹.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

- аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

- аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги сифат ва самарадорлик имкониятларни ошириш, бирламчи тиббий ёрдам ҳажмини ошириш, ушбу соҳада замонавий рақобатчилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва замонавий рақобат муҳитини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил декабрь ойида қабул қилган қарорига мувофиқ, тиббий суғурта бўйича давлат жамғармаси (бундан кейин жамғарма деб аталадиган) ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890 сонли қарори аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини оширишда туртки бўлмоқда.

Сирдарё вилоятида ҳозирги кунда молиялаштиришнинг қуйидаги усулidan фойдаланилмоқда.

Молиялаштириш усуллари:

Глобал бюджет ва даволанган ҳолат учун (стационар тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари).

Аҳоли жон бошига бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “ Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғурта механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сонли қарор

Глобал бюджет – бу бюджет-муайян даврда аҳолига келишилган ҳажмларда тиббий хизматларни кўрсатиш харажатларни қоплаш учун муассасанинг белгиланган истиқболли бюджети¹.

Тиббиёт муассасасига “глобал бюджет” асосида ва “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўловлар Жамғарма билан тўғридан-тўғри тузиладиган тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

Бунда, “глобал бюджет” бўйича харажатлар ҳажми тиббиёт муассасаларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббиёт муассасаларини сақлаб туриш харажатлари (коммунал хизматлар, дори воситалари, лаборатория диагностикаси ва бошқа харажатлар)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жамғарма тиббиёт муассасаларининг бюджетларини ҳисоблаб чиқади, шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди ва шартнома имзолангандан сўнг уларни уч кун ичида тиббиёт муассасаларига етказилади.

Тегишли молия йилида:

Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан рўйхати тасдиқланган тиббиёт муассасалари шартнома умумий қийматининг 100 фоизини “глобал бюджет” молиялаштириш услуги асосида;

бошқа тиббиёт муассасалари шартнома умумий қийматининг 90 фоизини “глобал бюджет” молиялаштириш услуги асосида ва қолган 10 фоиз қисми “ҳар бир даволанган ҳолат учун” белгиланган тўлов асосида молиялаштирилади.

Касаллик гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов услуги ҳажми қуйидаги тартибда аниқланади:

$$УТС = БС \times ОК \times СК \times ЖАК^2$$

Бунда:

УТС – Жамғарма томонидан муайян клиник гуруҳдаги даволанган ҳолатлар учун тўлов суммаси;

БС – базавий ставка ёки “ҳар бир даволанган ҳолат учун” тўлов услугидаги барча даволанган ҳолатларнинг умумий ўртача қиймати;

ОК – ҳолатлар гуруҳининг оғишиш коэффиценти;

СК – стационар тури (даражаси) коэффиценти;

ЖАК – беморда бажарилган жарроҳлик амалиётини ҳисобга олувчи коэффицент. Ушбу коэффицент жарроҳлик амалиёти кодини тасдиқланган жарроҳлик амалиётлари маълумотномасига мувофиқ “асосий жарроҳлик муолажаси” устунига киритишда қўлланилади.

Тиббиёт муассасасида барча даволанган ҳолатлар учун тўлов миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

$$ДХБ = \sum [УТС_n \times КДХ_n]$$

бунда,

¹ Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув Кенгашининг 2022-йил 25 февралдаги 19-сонли мажлис баённомаси.

² Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув Кенгашининг 2022-йил 25 февралдаги 19-сонли мажлис баённомаси

ДХБ – тиббиёт муассасасининг “даволанган ҳолат учун” умумий бюджети;
УТС – Жамғарма томонидан клиник гуруҳдаги даволанган ҳолатлар учун
тўлов суммаси;

КДХ – клиник гуруҳдаги даволанган ҳолатлар сони;

n – тиббиёт муассасасида мавжуд клиник гуруҳлар.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг асосий вазифалари инсон қадрини улуғлаш, бирламчи тиббий санитария кўламини кенгайтириш, янги молиявий механизмларни босқичма-босқич республика миқёсида жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдан иборат. Аҳолининг барча қатламларини кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятини кенгайтириш ҳам шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғурта механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 24.08.2020 йилдаги 506-сон қарори.

3.Н.Жумаев, Д.Рахмонов. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2019 yil

3/2019 (№ 00041) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

4. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув Кенгашининг 2022-йил 25 февралдаги 19-сонли мажлис баённомаси.